

LESLIE лойиҳаси



Co-funded by the
Erasmus+ Programme
of the European Union



101129032 - LESLIE — Ер ресурсларини бошқариш, атроф-муҳит ва қаттиқ чиқиндилар: Марказий Осиёда таълим ва бизнесда

Лойиҳа қисқартмаси: LESLIE

Лойиҳа тури: Erasmus+ олий таълим соҳасида салоҳиятни ошириш (CBHE)

Давомийлиги: 2024–2027 йиллар (36 ой)

Координатор: Валенсия Политехника Университети (Испания)

Молиялаштирувчи: Европа Иттифоқи

Веб-сайт: leslieproject-eu.com

Иштирокчи давлатлар: Испания, Италия, Кипр, Қозоғистон, Ўзбекистон

Лойиҳа ҳақида умумий маълумот

Erasmus+ CBHE доирасидаги **LESLIE** лойиҳаси (Ер ресурсларини бошқариш, атроф-муҳит ва қаттиқ чиқиндилар — Марказий Осиёда таълим ва бизнесда) — бу Марказий Осиёдаги, хусусан **Қозоғистон ва Ўзбекистон** олий таълим муассасаларида **барқарор ер ресурсларини бошқариш (SLM)** соҳасида замонавий таълим тизимини ривожлантиришни мақсад қилган лойиҳа ҳисобланади.

Ушбу лойиҳа иқлим ўзгариши, чўллашиш, ер деградацияси, сув танқислиги ва чиқиндилар муаммосига замонавий таълим воситалари орқали жавоб беришни кўзда тутди. У Европа Иттифоқининг **Яшил келишув** ва **рақамли трансформация** устуворликларига мос келади.

Лойиҳанинг асосий мақсадлари

1. Қозоғистон ва Ўзбекистонда **Барқарор ер ресурсларини бошқариш бўйича HUBлар** ташкил этиш;
2. Барқарор ер ресурсларини бошқаришга оид **микро-квалификация курслари** ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
3. SLM соҳасида бакалавр ва магистрлар учун **онлайн таълим материаллари** яратиш;
4. Барча таълимий ресурсларни жамловчи **ягона рақамли “Toolbox” платформасини** яратиш;

5. **СТЕНЕАМ (Фан, Технология, Инженерия, Экология, Санъат ва Математика)** усули асосида **Future Learning Incubator** — келажак таълим инкубаторини ташкил этиш.

Ўзбекистондан ҳамкор ташкилотлар

- ТИҚХММИ Миллий тадқиқот университети
- Фарғона Политехника Институти
- Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти (ТИИАМЭ филиали)
- Бухоро Давлат Университети
- Халқаро Қишлоқ Хўжалиги Университети
- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ТИҚХММИ Миллий тадқиқот университетининг лойиҳадаги роли

ТИҚХММИ Миллий тадқиқот университети қуйидаги вазифаларда фаол иштирок этади:

- **LESLIE микро-курсларини** миллий таълим дастурларига интеграция қилиш;
- Оқитувчилар ва ходимлар учун **салоҳият ошириш семинарлари** ўтказиш;
- **Moodle ва HEMIS** тизимларида рақамли таълим модулларини ишлаб чиқиш;
- **СТЕНЕАМ методи асосида** келажак талабалари учун SLM курсларини жорий этиш.

Ўзбекистон учун аҳамияти

Ушбу лойиҳа мамлакатнинг 2030 йилгача бўлган ривожланиш стратегиясига мос келади:

- Барқарор ривожланиш, экология ва чиқиндиларни бошқариш соҳасида **мутахассислар тайёрлаш**;
- **Масофавий ва аралаш таълим** шакллари ривожлантириш;
- Таълим тизимини **иш бозори эҳтиёжлари** билан мувофиқлаштириш;
- **Яшил ва айланма иқтисодиёт** тамойилларини жорий этиш.

ТИҚХММИ Миллий тадқиқот университети бўйича координатор шахс

Шерзод Раҳмонов

Халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи

Email: sherzod.rakhmonov@gmail.com